

Исажон Султон

АСАРЛАР

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент–2017



Бир ифодорнинг шаклланишида ота-онаси, ақинлари, мураббийлари билан бир қаторда, турли кишиларнинг – ҳалқотлар, тенгдошлар, дўсту биродарлар, қисқаси, уюри доволида тақдир рўнара қилган минглаб инсонларнинг улуғи булар экан. Ҳозоралимишга, улуғларлимишга, тенг-туғи дўстлару ака-синглиларга, эл-юрт аро оддийгина уир кесиряётган ҳанда ҳаётий ҳулосалари ила ушбу битикларнинг яралишига ҳисса қўшган барча кишиларга чексиз ҳурмет ва эҳтиром ила:

Исраиқ Султон

ИСАЖОН СУЛТОН

АСАРЛАР

Ҳикоялар

1-жилд

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент–2017

УЎК 821.512.133–3
КБК 84(5Ў)7
С 96

Султон, Исажон.

Асарлар: Ҳикоялар. 1-жилд / И.Султон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 392 б.

Исажон Султон – бу ном адабиёт ихлосмандларига яхши таниш. Дўстидай қадрли, сирдошидай қадрдон. Асарлари билан аллақачон қалбимизни забт этган, хаёлимизнинг гулзорларида муаттар ифор таратишга улгурган.

Мазкур китобда унинг турли йилларда ёзилган асарлари жамланган. Севимли ёзувчи билан яна дийдорлашиш, асар қаҳрамонлари билан диллашиш, сирлашиш, ёинки баҳсга киришиш завқи муборак бўлсин, азиз китобхон!

УЎК 821.512.133–3
КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-03-976-6

© Исажон Султон,
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2017



Ҳикоялар



“Ойдинбулоқ” тўпламидан (1995)

АВАЗБОЙЛИК ТАНТИЛАР

Бу ёруғ дунёнинг бир чеккасида Авазбой деган қишлоқ борлигини ким билар экан? Гардуни дун аро қишлоқлар шу қадар кўпки, қай бири қаёқда экани ҳам эсингиздан чиқиб кетади, курғур, ўзи Ўзбекистондамиди ё Мароккоми, Пароккоми деган бирор давлатнинг қишлоғи билан чалкаштирдимми, деб ўтираверасиз. Яхшиямки, бу қишлоқнинг номи тузуккина, сўраб-суриштиришга уялмайсиз, мабодо Қорин ё Каллахўр бўлганида худо урарди. Бировдан «Э, биродар, Қорин қай ёғда», деб сўранг-чи, киндигини кўрсатади-да, орқасига қараб мазах қилиб кулади.

Менинг болалигим мана шу Авазбой қишлоғининг тупроқ кўчаларида кечган, Эҳсонали аканинг ўғли ҳақидаги гап ҳам ўша вақтлардан қолган. Раҳматли бобом шу ҳақда гап очилиб қолса, «Ҳар кимники ўзига, ой кўринар кўзига», деб такрорлашни хуш кўрардилар... Ким қандай гапирса гапираверсину аммо Эҳсонали аканинг хизматдан яқинда қайтган ўғлига ўхшаб немисча калима айтмасин экан – гап-сўзга қолиб, эл-юрт ичида майна бўларкан. Йўқ, гап унинг хизматдан тили ўзгариб келганида ҳам эмас. Болапақир Тошкентга ўқишга бориб, киролмай қайтди-ю... Ўзи тузук бола эди, мактабда ҳаммадан яхши ўқирди, муаллимлари Эҳсонали акага «Шунингизни ўқитинг, боқса одам бўладиган сиёғи бор», деб айтишарди. Отасининг айтишича, унинг билмаган нарсаси йўқ эди-ёв: осмонда нечта юлдуз борлигидан тортиб, то Африқодаги қурбақа туққан хотингача биларди. Эҳсонали ака, агар армиядан эсон-омон қайтиб келса, албатта ўқитаман, деб юрарди. Хуллас, шу бола ўқишдан йиқилиб қайтди. Бу билан осмон узилиб ерга

тушгани йўқ, айтарли ҳеч нарса ўзгармади, бироқ... Ҳа, майли, гапни чоллардан бошлай қолайлик.

Маҳалла чоллари Олим Эшон аканинг сартарош-хонаси олдидаги тахта супада у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришганида, мўйловини дикрайтириб Суярбой келиб қолди. Сахту сумбат роса бир эшшакка юк: худди яллачи хотин ўтгандек, кўчани ажабтовур ис босди, билмаган одам дўкончи атир тўла қутини билмасдан туртиниб ағдариб юборибди-да, деб ўйларди. Аскар бола ярақлаган туфлисига чанг ўтирмаслиги учун эҳтиётлик билан, худди кўлмақдан сакраётганга ўхшаб юриб келди-да, чолларга салом берди.

– Э, Суярбой, – деди Жўра бува соқолини селкиллатганича аскар билан кўшқўллаб кўришиб. – Ҳа, қаёқлардан сўраймиз?

Аскар бола худди оғзи куяётгандай ғалати бир талаффузда (кейинчалик буни эслаб бутун қишлоқ кулиб юради) жавоб берди:

– Ҳе, армия... Ўшоқларда юрдук...

– Айтдим, бу Эҳсонбойнинг ули бир-икки кундан бери кўринмай қолди, деб, – Жўра бува қаноат ҳосил қилиб, бош силкиди. – Ишқилиб, эсон-омон бориб келдингизми? Қаерларда бўлдингиз?

– Ҳа, ёмон эмас, – деди аскар. – Кўрдук, тагин шу қишлоққа қайтдук... Хизмат Германияда ўтду. Хайденбург шаҳарчасининг Хохерзондерштрассе деган жойида...

– А, кўп яхши, – деди Жўра бува. – Йўл бўлсин?

– Шаҳарга кетаётувдук. Кеч қолмасдан борайлуқ, узр...

Суярбой шундай деб ғирт немисча кўшиқни хиргойи қилганича узоқлашди: «Вас кастет ес, их кауфе дize...»

Миркомил ота кулгидан ўзини зўрға тийиб, Эҳсонали акага қаради:

– Бу қисталоқ ўғил немисча гапиряпти-ку, Эҳсон-али?

– Қайдам, – деб елка қисди ота. – Энди, бегона юртда ўзбекчани сал-пал эсан чиқаргандир-да.

– Ана, Расулбойнинг ўғлиям денгизда уч йил сузиб келди, эсидан чиқармабди-ку, – деди Жўра бува.

– Қизиқмисиз? Минг-милён немиснинг ичида битта ўзи бўлганидан кейин нима қиларди? Эсидан чиқаради-да.

– Ўрисча гапирсаям майлийди, немисча гапиряпти-ку?

– Тил ўрганиб келса ёмонми? – деди Эҳсонали ака, туриб-туриб. – Бир хиллар ўрисчаниям билмайди. Бизни ўғил англизчаниям гапиреди.

– Инглизчани билсаям, лекин немисча гапирмасин, – деди бир кўли йўқ Суҳбат ака тутақиб. – Ҳамма хоҳлаган тилида гапираверса, тушунадиган одам қоладими? Мана мен, татарчани биламан, аммо Миркомил акага татарча гапирмайман-ку? Бўладиган бола б...дан маълум деганларидай, тил билганига яраша бирор ерда ўқисаям майлийди.

– Ўша хизмат қилган жойидан хат опкеган, – деди Эҳсонали ака. – Камандири ёзиб берган.

– Нима деб ёзиб берган экан? – дея қизиқсинди Жўра бува.

– Мана шу боланинг калласи яхши ишлайди, ўзи тил билади, ўқитсаларинг ҳам ўқитасанлар, ўқитмасаларинг ҳам, деган.

– Мени неварамда унақадан учтаси бор, лекин ўқишга киролмаган, – деди Миркомил бува. – Унақа хатлар бир пулга қиммат. Сиз ғам чекманг, Эҳсонали, йигит кишига иш қаҳатми? Тракторчилик қилар, ё фермада ишлар?

– Йўқ, у катта ўқишда ўқийди, – деди Эҳсонали ака. – Юрадимми мойга ботиб? Биттаси куёвингиз Эшимбойми, бетига ҳам саларка суркаб юради.

– Эшимбой бетига саларка суркамайди, – дея аччиғи чиқди Миркомил буванинг. – Трактири бузилса эт-бетини кўради, шунда кўлига юқади. Сиз тузукрок искаб кўрмабсиз.

– Мен искабтопармидим искагани?

– Мана, ўғлингизни кўрамиз-да. Ўқисин, олим бўлсин, келиб юрт сўрасин, шунда биз ҳам Эҳсоналига раҳмат, шу болани одам қилди, деб хурсанд бўлайлик.

– Киради, – деди Эҳсонали ака. – Тошканда тоғаси бор, шу ёрдам беради...

– Омадини берсин, – деди Жўра бува.

Шу билан аскар бола ҳақидаги гап тугади, Миркомил бува суҳбатни бозорда молнинг қиммат бўлганига буриб юборди. Эмишки, Орифжон ака мушукдай новвосини етти иқлимнинг хирожига арзийдиган пулга сотипти. Узоқ йиллардан бери нарх бунақа қимматламаган эди. Кунжара топиш ўлимдан оғир, кепак ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ... Хуллас, алмойи-алжойи гаплар. Эҳсонали ака ўзини гап-сўзга қулоқ солиб ўтиргандай кўрсатгани билан ичини ит тирмалаб, ўйлар эди: «Оббо, ишқилиб, Суяр ўқишга кирсин-да. Муаллимлари мақташгани билан билиб бўладими, муштдайлигидан ишдан боши чиқмаган бўлса... ўрнида мен бўлсам... Бирдан ўзини ўйлаб кетди:

– Ҳа, энди, ўзим ҳам гўр эмас эдим, отам бечора уравериб ҳар куни битта ҳасса синдирарди. Ҳе, ўқиса ўқисин шу бола. Немисча гапирадими, чулчутчами, ишқилиб, биз кўрган кунларни кўрмасин, озода уй-жой тутиб, рангли тилвизўрларни кўриб, хотинчасини ўйнатиб юрсин. Бизнинг кун кун бўпгимиз – муштдайлигимдан ишладим, рўзгор ҳам отамдан қолган бўйича турипти, ўша иккита мол, ўша чолдевор ҳалиям ўша, шунча ишлаб орттирганим қўл қадоғию бел оғриги... Ўқигани тузук, кастум-шим кийиб, пўрим бўлиб юради, менга ўхшаб битта этикни далага ҳам, тўйга ҳам кийиб зориқмайди. Хизматдан роса саришта бўлиб келди, қисталоқ, ҳар куни тишиниям ювади. Одамлар гапираверади-да. Ўзи бу қишлоқда тоза юрсанг ҳам бир бало, юрмасанг ҳам... Ўқисин, ўқисин...»

...Шом маҳали, чоллар тарқаб, Эҳсонали ака отасидан қолган ўша чолдеворга яқинлашганида, ариқ бўйидаги чимга эски бир тўшакни тўшаб, чордана қуриб ўтирган Мирза Маннонга кўзи тушди. Мирза Маннон сергўшт бармоғи билан ўнг қулоғининг орқасини қашиб, Эҳсонали акага қараб ишшайди ва бу билан оламда шунақанги бемаъни ишшайиш ҳам мавжудлигини намойиш қилди.

Эҳсонали ака Мирза Маннонни кўрибоқ «Э, падари кўсур», деди ичида, кўрмаганга олиб деворга қараган кўйи ўтиб кетаётган эди, Мирза Маннон:

– Э... Эҳсонбой, – деди минғирлаб.

– Деворларни оқлаш керак, иккита ёмғир ёғди-ю олачипор бўлиб кетди, – деди Эҳсонали ака, ҳозир унинг: «Қани, бу ёққа ўтиринг, суҳбатингизни соғиндик», дейишини кутиб.

– Қани, бу ёққа ўтинг, суҳбатингизни соғиндик, – деди Мирза Маннон.

– Сотволдидан бир қоп оҳак олиб келсам етармикин? – деди Эҳсонали ака унинг бу гапини эшитмаганга олиб. – Ё етмасмикин?

– Агар бир қоп опкелсангиз етар, ўлибдими? – деди Мирза Маннон ҳам. – Қани, ўтирсинлар. Буруннинг қонидай қуюқ бир пиёла чойимиз бор.

Мирза Маннон ўрнашиброқ чордана қурди-да, пиёлада чой узатди. Сўнг кўзини қаттиқ қадаб:

– Бу, ўғилча ўқишга қиряпти, деб эшитдим? – деди.

– Ҳа, қиряпти.

– Бай-бай-бай, кўп яхши-да. Ўғилчанинг калласи қалай, тузукми ишқилиб?

– Жа зўр бўлмасаям, ишқилиб, тузук.

– Яхши, яхши... Хў-ўп, қайси ўқишга қиряпти?

– Каттасига, Тошканга.

– Ия, шунақами? Ҳа, тузук. Аммо, кучингиз етармикин? Мана, бизнинг ўғилтой... – Шундай деб, қайсидир ўқишни битириб келиб, ҳозир совун сотадиган дўқонда ишлаётган ўғлининг чўпчагини бошлаган эди, Эҳсонали аканинг кўнгли беҳузур бўлиб, тагин деворга қаради:

– Ҳа, энди, бир куни оқлармиз-да, қочиб кетяптими? Сотволдининг феъли юришиб турган бўлса, икки қоп ҳам беради, – деб қўйди. Мирза Маннонни «ўчириш» учун шунинг ўзи кифоя эди, у гапираётган чоғида биров лўқма ташласа, дарров гапини – йўқотиб, эсидан чиқариб қўярди.

– Оббо, чалкашиб кетдим... Ҳазрати Айюб алай-ҳиссалом умматларига нима деган эдилар деяётувдим? Ҳаҳ, эс қурғур-а...



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4593> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4593> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4593>